


Диннинг ҳақиқатини тўғри англаш



15:23 / 22 январь 1070

Биз ҳеч нарса зиёда қилинмаган Ислонга чорлаймиз. Шунингдек, ҳеч нарса камайтирилмаган Ислонга даъват қиламиз. Мана шу Ислоннинг тартибларидан биридир. Ислонга ҳеч нарсани зиёда ҳам қилмаймиз, Ислондан ҳеч нарсани кам ҳам қилмаймиз.

Ўтган асрларда Ислонга қўшимчалар киритиш, ғулув ва бидъатга бориш ҳаракатлари юз берди. Одатда диннинг ҳақиқатини яхши билмаслик оқибатида Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилишга қаттиқ рағбат қилиш натижасида бидъатга кетиб қолишлар пайдо бўлди.

Ҳозирги давримизда эса Ислондан баъзи нарсаларни камайтириш ҳаракати кўзга ташланмоқда. Улар Ислоннинг асосий бўғинларидан бирини, унинг омилларидан бирини чиқариб ташлашни истайдилар.

Масалан, бир киши Ислоннинг ибодат эмас, фақат ақийда ҳолида бўлишини истайди, «Сен Аллоҳ таолога иймонда бўлсанг, шунинг ўзи сен учун барча амалларга кифоя қилади», дейди. Унинг бу сўзи қадимда энг ғулувга кетган муржиъаларнинг сўзига ўхшайди.

Бошқа бир ўринда эса бундай кимса одоб-ахлоқ бўлмаган ибодатни истайди, «Агар сен намоз ўқисанг, рўза тутсанг, ҳаж ва умра қилсанг, ёлғон сўзласанг, ёмон амал қилсанг ёки тижоратингда алдамчилик қилсанг, инсоний муомалаларингда зулм қилсанг ҳам ҳеч нарса

қилмайди», дейди. Ваҳоланки, ибодатлар шариат томонидан нафсни поклаш, виждонни тарбиялаш, тақвони барпо этиш учун амр этилган. Агар булар ҳосил бўлмаса, уларнинг ҳеч бир қадр-қиймати йўқ.

Имом Бухорий ҳазратлари ўзларининг «Саҳиҳ»ларида шундай ривоят қиладилар:

«???? ???? ?????? ?????? ?????????? ??????????????
????? ?????????? ?????????? ?????????? ??? ????? ??????
????????????? ??????????????».

«Кимки ёлғон сўзни ва унга амал қилишни ташламаса, унинг ичмак ва емагини ташлашида Аллоҳ таоло учун ҳожат йўқ».

Яна айрим кимсалар борки, улар ибодатсиз, одоб-ахлоқнинг ўзини хоҳлашади, «Одамлар билан муомала қилишда адолатли, ростгўй, тўғрисиўз, чиройли муносабатли одам бўлсанг кифоя», дейишади, яъни «Намоз ўқишинг ёки рўза тутишинг муҳим эмас, қалбингни пок қил, хулқингни гўзал қил. Мана шу сенга кифоя», дейишади.

Улар ибодат — диннинг асоси эканини унутадилар. Ахлоқнинг энг аввали — инсон ўз Роббига берган ваъдасига вафо қилиши, Унинг неъматларига муқобил равишда У Зотга шукр айтмоғидир. Кўплаб мусулмонларнинг бугунги муаммолари шундан иборатки, улар. Исломни бўлиб ташлашади. Улар Исломни гўё кундага қўйиб, нимта гўшт қилишди, қассобнинг ўткир пичоғи билан уни парча-парча қилиб бўлишди.

Бир жамоа эса Исломда талоқсиз уйланишни хоҳлайди. Улар Ислом шариати ва исломий оила қоидаларидан талоқ ёки кўпхотинлик таълимотини ўчиришни исташади, Ислом ҳам насронийликнинг бир кўриниши бўлишини, ўзининг хос хусусиятларини йўқотишини исташади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг Бақара сурасида шундай марҳамат қилади:

فَمَا بِبَعْضٍ وَتَكْفُرُونَ الْكِتَابِ بِبَعْضٍ أَفَتُؤْمِنُونَ

الَّذِينَ آتَيْنَا الْحَيَاةَ فِي خَزَائِكُمْ إِلَّا مِنْكُمْ ذَلِكَ يَفْعَلُ مَنْ جَرَاءُ

الْعَذَابِ أَشَدَّ إِلَيَّ يُرَدُّونَ الْقِيَمَةَ وَيَوْمَ

«Ёки китобнинг (Тавротнинг) бир қисмига ишониб, бир қисмини инкор этасизми? Сизлардан ким шундай қилса, унинг жазоси бу дунёда шарманда бўлишдир, Қиёмат кунида эса қаттиқ азобга гирифтор бўлурсиз» (Бақара сураси, 85-оятнинг бир қисми).

**«Биз иймон келтирган исломнинг тартиб ва кўринишлари»
китоби асосида тайёрланди**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 29 октябрдаги 03-07/
6664-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.